

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА МАТБУОТНИНГ РОЛИ ВА ТАҲРИРИЯТ МУҲАРРИРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1009-1016>

Абдюжанова Вазира Хусан қизи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети таянч
докторанти

E-mail: blaugranas_04@mail.ru

Тел.: +998907885833

АННОТАЦИЯ

Мақолада муҳаррир медиа жараённинг субъекти сифатида тадқиқ этилиб, таҳририят ишини ташиқил этишида муҳаррирнинг роли ва иштироки, матбуот муҳаррирининг функциялари, фаолиятининг асосий йўналишлари, соҳа ходимининг эга бўлиши лозим бўлган малака-кўникмалари, муҳаррирнинг муаллиф қўлёзмаси билан ишлаш жараёни, нашрнинг ташиқилотчи ва раҳбари сифатидаги бурч-мажбуриятлари, аудитория қизиқишини ошириш, нашр имижси ва обрўсини кўтаришидаги роли ҳамда миллий матбуотимизда самарали фаолият юритган муҳаррирлар тажрибаси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: муҳаррир, маҳорат, функция, муаллиф билан ишлаш, матн, таҳрир, ташиқилий, иқтисодий, адабий-ижодий фаолият.

АННОТАЦИЯ

В статье редактор рассматривается как субъект медиа-процесса, анализируется роль и участие редактора в организации редакционной работы, функции редактора прессы, основные направления деятельности, навыки работника, процесс работы с рукописью редактора, роль организатора и обязанности руководителя, роль повышения интереса аудитории, поднятия имиджа и престижа издания, а также опыт редакторов, эффективно работающих в нашей национальной прессе.

Ключевые слова: редактор, мастерство, функция, работа с автором, текст, редактирование, организационный, экономический, литературно-творческая деятельность.

ABSTRACT

The according article considers the editor as a subject of the media process, it analyzes the role and participation of the editor in the organization of editorial work,

the functions of the press editor, the main activities, the skills of the employee, the process of working with the editor's manuscript, the role of the organizer and the duties of the leader, the role of increasing the interest of the audience, raising the image and prestige of the publication, as well as the experience of editors who work effectively in our national press.

Key words: *editor, skill, function, work with the author, text, editing, organizational, economical, literary and creative activity.*

КИРИШ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароити оммавий ахборот воситалари фаолиятини даврнинг янги талаб ва шароитларига мувофиқ тарзда қайта ташкил этиш, тахририятларда юзага келаётган конвергенция, интеграция ва тижорийлашув жараёни ҳар бир соҳа ходимидан янги формат ва йўналишда ишлашни тақозо қилмоқда. Тахририят бошқаруви ва унда ижодий муҳитни ташкил этишда муҳаррирнинг ушбу жиҳатларга эътибор бериши, айниқса, муҳим. Мана шу жараёнда оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган муҳаррир фаолиятини турли аспектларда тадқиқ этиш, муҳаррирнинг медиа жараёндаги ўрни, унинг бошқарув, ижодий, интеллектуал салоҳияти, касбий ва шахсий хусусиятлари, ижтимоий ва фуқаролик позицияси, ахлоқий фазилатларини ўрганиш зарурати пайдо бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Хорижда муҳаррир фаолияти турли аспектларда ўрганилганини кўриш мумкин [1; 24, 511]. Ўзбек публицистикасида эса бу мавзу алоҳида шахслар мисолида тадқиқ этилган [2; 21, 24, 24]. Бироқ тахририят муҳаррирининг касбий тажрибасини тизимлаштирувчи ва умумлаштирувчи тадқиқотлар деярли учрамайди. Бу эса муҳаррирнинг шахсий, ижодий, ижтимоий салоҳияти ва фаолиятини мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тараққиётидаги утилитар ва маънавий тенденциялар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Ҳозирги кунда муҳаррир кўплаб йўналишларга йўналтирилган, медиа соҳасининг барча жараёнларида бевосита иштирок этувчи кенг доирадаги мутахассисдир. Босма ва аудиовизуал оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи муҳаррирлар сафи Интернет ривожланиши сабаб веб-сайт муҳаррирларининг пайдо бўлиши билан янада кенгайди. Матбаа соҳаси муҳаррири қўлёзмани нашрга тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этса, газета-

журналлар муҳаррири материални мазмун ва шакл жиҳатидан қайта ишлаб, қизиқарли, жонли мақола кўринишига келтиради. Телевидение ва радио муҳаррирининг асосий вазифаси дастурни ўзига хос, қизиқарли, оммабоп қилиш, канал рейтингини оширишдан иборат. Иш йўналишига қараб ушбу соҳа мутахассиси дастур ғоясини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш, иштирокчиларни жалб этиш каби бир неча вазифаларни бажаришга масъул бўлса, Интернет сайтлари муҳаррири сайтнинг умумий услуби ва тузилишини шакллантириш, тегишли ва зарур маълумотларни қидириш, материални қайта ишлаш жараёнига жавобгар бўлади.

НАТИЖАЛАР

Муҳаррирлик фаолияти ижодий, шу билан бирга масъулиятли соҳа саналади. У оммавий ахборот маҳсулотини яратиш учун масъул бўлиб, бу жараёнда ундан саводхонлик, нашр тилини мукамал билиш, турли мавзуларда фикр ва дунёқарашга эга бўлиш, таҳлилий-танқидий фикрлай олиш, замонавий технологиялардан фойдалана билиш, шу билан бирга мулоқот қилиш, музокара олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш талаб этилади. Бу сифатларга ўрганиш, амалиёт, доимий тарзда ўзини ўзи ривожлантириш орқали эришилади.

Муҳаррир фаолиятининг тўртта йўналиши мавжуд: таҳрир (журналистик материалнинг муҳаррир томонидан нашрга тайёрланиши), ташкилий-бошқарув, ахборот, маркетинг [3].

Муҳаррир муаллифлик материалларни муайян оммавий ахборот воситалари форматига мос келадиган шаклга олиб келиш жараёни билан бирга унинг расмий вазифалари доирасида ходимлар ўртасида иш тақсимотини амалга ошириш ва ўз вақтида унинг сифатли бажарилишини назорат қилиш билан ҳам шуғулланади. Замонавий муҳаррир нафақат вазифаларини профессионал тарзда бажара олади, балки доимо янги нарсаларни ўрганишга, малакасини оширишга ҳаракат қилади. Шунингдек, ташкилий, ижодий вазифаларни бажариш давомида ўзи фаолият олиб борадиган нашр имижини оммалаштириш, аудитория орасида ўз контентини яратиш жараёнида ҳам фаол бўлиши талаб этилади.

Муҳаррирнинг эга бўлиши лозим бўлган малака ва кўникмаларини олимлар куйидагича кўрсатиб ўтишади:

— Ижодий қараш. Муҳаррир ҳар бир мавзу-масала доирасида қизиқарли фикр юрита олиши ва дуч келинадиган муаммоларга осон ва қулай ечим таклиф қила олиши учун ижодий қарашга эга бўлиши лозим (мас., чекланган бюджет

шароитида нашр адади ва аудиториясини қандай кенгайтириш мумкинлиги ҳақида);

— Маҳорат. Муаллифлар материали билан ишлашда, нашр учун мос ёки мос эмаслигини аниқлашда, ўз аудиториясини, нашр нуфузи ва кўламини ушлаб туришда муҳаррир маҳорати муҳим роль бажаради.

— Етакчилик қобилияти. Жамоани шакллантириш, ходимлар билан ишлаш ва таҳририят номидан қарор қабул қилишда аҳамиятга эга.

— Мулоқот. Муҳаррир нафақат ўз жамоа аъзолари, балки муаллифлар ва аудитория билан ишлашда ижобий муносабатни йўлга қўйиши таҳририят фаолиятининг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади[4].

— Нотиқлик. Замонавий муҳаррир ташкилотчи бўлиши билан бирга нотиқлик маҳоратига ҳам эга бўлиши лозим. Учрашувларда, расмий маросимларда газетанинг ўзига хос хусусиятини, бошқа нашрлардан фарқли томонларини ишонарли тарзда кўрсатиб бериши лозим [5; 177].

МУҲОКАМА

Муҳаррир матбуот, телевидение, радио асарларини, ахборот агентликлари материалларини нашрга тайёрлаш ва таҳририятнинг бошқарув, ҳуқуқий масалалари билан шуғулланувчи шахс [6; 14]. Яъни матн билан ишлайдиган, уни услуб жиҳатидан мувофиқлаштирувчи, қўлёзмани нашрнинг мақсади, формати, муайян талабларига мувофиқ тартибга келтириб, тузатадиган ва чоп этишга тайёрлайдиган, қисқа қилиб айтганда, қўлёзмани такомиллаштириш, мазмунан бойитиш, ғоявий-адабий савиясини оширувчи ижодий ходим. Бироқ бу таъриф муҳаррирнинг функциялари доирасини тўлиқ акс эттирмайди. Муҳаррирнинг вазифаси уни матн билан ишлашдан ташқари таҳририят бошқарувининг сиёсий, ҳуқуқий, маъмурий, ташкилий, иқтисодий, адабий-ижодий жараёндаги барча ишларни бажариш учун масъул қилади. Шу билан бирга тегишли мавзулар топиш ва муаллифлар жамоасини шакллантириш ҳам унинг вазифалари қаторига киради.

Рус олимлари муҳаррир сўзи француз тилидан олинган бўлиб, *redacteur* — “бирор нарсани таҳрир қилувчи шахс” деган маънони англатишини таъкидлашади [7]. Терминологиялар муҳаррирни ихтисослигига кўра бош муҳаррир, илмий, адабий, масъул, махсус, бадиий, техник муҳаррир каби бир неча тоифаларга ажратади [8].

Бугунги кунда муҳаррир тушунчаси бир неча кўриниш касб этади:

→ адабий ходим (бу жараёнда муҳаррир материал тайёрловчи, таҳрир сифатига жавоб берувчи ижодий ишчи, журналистик матннинг тизимли ва композицион даражаси учун масъул);

→ таҳририят жамоаси раҳбари (жамоа раҳбари сифатида муҳаррирдан ишни тўғри ташкил этиш, ҳар бир ходимнинг имконият-қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз вазифасига максимал даражада йўналтира билиш, ташаббус ва мустақил фикрлаш кўникмаларига эга бўлиш талаб этилади);

→ кичик турдаги нашр ишларини ташкил этувчи директор (таҳририят ишини бошқариш, муаллиф ва мавзуларни топиш, тақдим этилган материални чоп этиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, ишлаб чиқариш режасини тузиш, сифат билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ҳам унинг ваколати доирасига киради).

Муайян нашрда ишлаш жараёнида вазифалар функционал мажбуриятларга қараб тақсимланади. Нашр бош муҳаррири уни яхлит ҳолда тайёрлаш ва ўз ўқувчисига етказиш учун жавобгар саналса, илмий муҳаррир материални ишлаш жараёнида илмий таҳрирни амалга оширади. Адабий муҳаррир матннинг лингвистик ва стилистик хусусиятларини таҳлил қилади ва баҳолайди [9].

Муҳаррир деганда, аввало, “ёзувчи, таҳрир қилувчи” маъноси англашилади. Бироқ аср боши (XX аср — *В.А*)га келиб муҳаррир нафақат ёзадиган, таҳрир қиладиган, балки таҳрир қилинган хабар ва мақолаларнинг газетада берилишини бошқарадиган, шунингдек, бир қанча вазифаларни бажара бошлади [10; 104]. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “Муҳаррир — (араб.), редактор — 1) нашриёт ва б. масъул нашрларда муайян матнни турли жиҳатдан таҳрир қилиб, босмага тайёрловчи ходим; 2) айрим матбуот органлари (мас., газета)га раҳбарлик қилувчи шахс” [11; 201] деган таъриф келтирилади.

Мазкур мақолада муҳаррир фаолияти ушбу икки ракурсда тадқиқ этилади.

Маълумки, таҳририятда нашр жараёни нашрнинг тематик режасини тузиш, мавзу ва муаллифларни танлаш ҳамда публицистик матн устида биргаликда ишлашни ўз ичига олади. Ташкилий характерга эга бу босқичда муҳаррир нашрни жорий режалаштириш, уни тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади.

Муҳаррирнинг муаллиф кўлёзмаси билан ишлаш жараёни эса ижодий фаолият тури саналиб, унинг вазифаларига материалнинг мазмун ва шакл жиҳатидан мутаносиблиги, фактик, мантиқий, грамматик хатоликлардан

бартараф этиш киради. Қўлёзма тахририят нуқтаи назарига тўғри келса, муаллиф билан ҳамкорликда қайта ишлаш жараёнига ўтказилади. Аксинча, тахририят материални чоп этишни рад этса, бу ҳолатдан муаллифни хабардор қилиши ва қўлёзма унга қайтарилиши керак. Тахририят хатоси сабаб муаллиф рад этиш тўғрисида хабардор қилинмаса, томонлар ўртасида келишмовчилик юзага келиши, бу ҳолат эса тахририят ва муаллиф ўртасидаги муносабатларга путур етказиши мумкин.

ХУЛОСА

Тахририятда нашр жараёнининг барча босқичларида муҳаррир асосий шахс ҳисобланади. У нашрнинг ташкилотчи ва раҳбари сифатида чоп этилаётган материаллар мазмунининг ғоявий-сиёсий жиҳатига жавобгар бўлиши билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жорий қилади, муаллиф ва ўқувчилар аудиторияси билан алоқани йўлга қўяди, аудитория талабини ўрганишни ўз ичига олган маркетинг функциясини ҳам амалга оширади. Бошқарув интеллекти шахснинг энг муҳим ресурси қаторида бўлиб, бугунги кунда муҳаррир оммавий ахборот воситалари ўртасидаги вазиятни кузатиш, нашрга янги ҳамкорлар, муаллифлар, реклама берувчиларни жалб қилиш, шу билан бирга ўзига рақобатчи саналган тахририятлар фаолиятини кузатиши билан боғлиқ бошқарув масалаларини ҳам ҳал қилиши зарур.

Миллий матбуотимизда самарали фаолият юритган публицист А.Мелибоев узок йиллик муҳаррирлик фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, муҳаррирнинг ташкилотчилик қобилияти кучли бўлиши кераклиги, муҳим мавзуларни ёза оладиган, муаммоларни дадил кўтариб чиқадиган, фикр-мулоҳазаларини асослаб бера оладиган муаллифларни топиш ва уларга буюртма бериш орқали аудитория қизиқишини ошириш, нашр имижи ва обрўсини кўтариш кераклигини, ижодий жамоани янги куч, янги овозлар билан ҳаммиша тўлдириб бориш, ёшларга маълум муддат устозлик қилиш зарурлигини [12; 52], шунингдек муҳаррир ҳар бир ходимнинг, фаол муаллифларнинг ижодий имкониятларини яхши билиши, баъзан жиддий топшириқ олдида иккиланиб қолган ходимни бу ишни унинг қўлидан келишига ишонтириш ҳам яхши натижа беришини [5; 5] ёзади.

Шуни қайд этиш керакки, оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот кенг жамоатчилик онгига бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга. Шахс ва миллатнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида матбуот соҳаси ходимлари, хусусан,

унда фаолият юритаётган мухаррирларнинг касб масъулияти устувор аҳамият касб этади. Бу масъулият ҳисси мухаррирларни кенг аудиториянинг маънавий талабларидан келиб чиққан холда, янги журналистик материалларни тайёрлашга, замон билан ҳамқадам бўлиб, ўз устида доимий равишда ишлашга ундаши лозим.

Аслида саводли, маҳоратли ва зиёли мухаррирнинг қиммати ҳеч қачон, ҳеч қандай замонда қадрини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам [14; 18].

REFERENCES

1. Шипилова М.В. Главный редактор как субъект медиапроцесса. Автореф. канд. фил. наук. Санкт-Петербург, 2012. 24 с.; Антонова С.Г. Редакторская подготовка визуального ряда издания. Издательское дело в России: современное состояние и перспективы: материалы Всероссийской научно-практической заочной конф., 2011.; Рузин В.В. Моделирование и технология редакторских систем. Автореф. докт. дис. Киев, 1996.; Чуковская Л.К. В лаборатории редактора. Архангелск, 2005. 511 с.
2. Саидов Ҳ.О. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва мухаррирлик фаолияти. Автореф. фил. фан. ном. Т., 1998. 21 б.; Намозова Н.Қ. Ҳожи Муиннинг публицистик ва мухаррирлик фаолияти. Автореф. фил. фан. ном. Т., 2005. 24 б.; Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва мухаррирлик фаолияти. Автореф. фил. фан. ном. Т., 2002. 24 б.
3. Редакторская деятельность в современных условиях. Функции и задачи редактора. <https://studfile.net/preview/1636087/page:3/>. Мурожаат вақти: 17.03.2022.
4. How to Become Editor-in-Chief: Learn the Duties and Skills Required. <https://www.masterclass.com/articles/how-to-become-editor-in-chief#what-are-the-duties-of-an-editorinchief>. Мурожаат вақти: 17.03.2022.
5. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. Б.177. 208 б.
6. Накарякова К.М. Справочник по литературному редактированию для работников средств массовой информации. М.: Флинта: Наука, 2010. С. 14. 200 с.
7. Голуб И.Б. Литературное редактирование: учеб. пособие / И.Б. Голуб. - М.: Логос, 2010. 432 с. <https://uchebnikfree.com/redaktirovanie-literaturnoe-stilistika/literaturnoe-redaktirovanie-ucheb-posobie.html>. Мурожаат вақти: 11.03.2022.

8. Мильчин А.Э. Издательский словарь-справочник. Электрон манба: <http://find-info.ru/doc/dictionary/publishing/index.htm>. Мурожаат вақти: 11.03.2022.
9. Морозова В.А. Редактирование. Общий курс. Учебное пособие для специальности. Ульяновск: УлГТУ, 2002. Электронный ресурс. <https://studopedia.org/12-91259html> Мурожаат вақти: 14.03.2022.
10. Саидов Ҳ.О. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Фил.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1998. Б.104. 138 б.
11. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий-Пархиш. Таҳрир ҳайъати: А.Абдувоҳитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. Б. 201. 704 б.
12. Мелибоев А. Журналистика: касб, ижод, маҳорат 100 саволга 99 жавоб: Ўқув қўлланма. Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. Б.52. 192 Б.
13. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. Б. 5. 208 б.
14. Дўстмуҳаммад Х. Кўнгилдаги мунавварлик. Кадр/ тузувчи, сўзбоши ва сўнгсўз муаллифи Ҳ.Саидов. Т.: Маънавият, 2009. Б. 18. 160 б.